

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ
ОЛИЙ МАКТАБИ

“ХОРЕОГРАФИЯ САНЪАТИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“САНЪАТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

“САНЪАТШУНОСЛИК” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ 4-КУРС ТАЛАБАСИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛЗОДА УЛУҒБЕКОВНАНИНГ

“ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВНИНГ ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ” МАВЗУИДАГИ

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

“Санъат назарияси ва тарихи”

кафедра мудири, доцент

_____ **М.Ш. Муродова**

Илмий раҳбар:

“Санъат назарияси ва тарихи”

кафедраси катта ўқитувчиси

_____ **Н.А. Алимжанова**

Тошкент 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЎЗБЕК РАҚСИ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ	
1.1. Ўзбек эркаклар рақс санъати ривожининг тарихий босқичлари.....	11
1.2. Ўзбек эркаклар рақс санъатининг анъанавий услублари.....	22
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ РАҚСЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	
2.1. Нарзиддин Шерматов ижодий фаолияти ўзига хос хусусиятлари.....	36
2.2. Нарзиддин Шерматовнинг устозлик фаолияти.....	43
ХУЛОСА	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	49
ИЛОВА	

КИРИШ

“Масалан, Шарқ оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси зоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиришга замин туздиради. Шу маънода, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз”¹.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти

И.А. Каримов

XX аср инсоният тарихида мисли кўрилмаган воқеалар – жамиятларнинг ижтимоий жиҳатдан ўзгаришлари, фан ва техниканинг тараққиётининг юқори босқичлардаги ривож билан ўзига хослик касб этади. XX аср Ўзбекистон халқига асрлар давомида орзу қилинган мустақилликка эришган давр бўлди. Ўзбек халқининг тафаккурида, турмуш тарзида туб бурилиш юз берди. Асрлар давомида асраб келинган ва XX асрнинг мураккаб ўзгаришлар даврида йўқолиш даражасига келиб қолган санъат дурдоналарини қайта тиклаш, уларни ўрганиш ва келажак авлодга етказиш даврнинг муҳим масалаларидан бирига айланди.

Санъатнинг барча соҳалари каби рақс санъатида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ рақс санъатининг ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 1997 йил 8 январда чиқарилган “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Тошкент, ”Ўзбекистон “ , 2008. Б– 12

ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ва мазкур Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўша йил 21 февралда қабул қилган 101-сонли Қарори айнан шу фикримиз исботидир. Биринчи Президентимизнинг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида М.Турғунбоева номидаги “Ўзбек рақс” миллий рақс бирлашмаси ташкил топди, бирлашма қошида ижодий жамоаларни моддий ва ижтимоий кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида махсус жамғарма тузилди. Хореография билим юрти ҳамда Тошкент давлат маданият институтининг хореография бўлими негизида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби барпо этилди ².

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида М. Турғунбоева номидаги “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси Низоми, унинг таркибига кирувчи ижодий жамоалар ва ташкилотлар рўйхати, амалдаги тузилмаси ҳақида сўз юритилди.

Фармонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш юзасидан қатор йўналишлар белгилаб берилди. Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган, юзаки, ноўрин тақлидга асосланган ҳатти-ҳаракат ва либослар ҳуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб

² “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, Б-26-28..

келаётган жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш; халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга нисбатан эҳтиром хисларини юксалтириш; мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш, авайлаш, шу асосда янги бадиий жамоалар тузиш, мустақиллик маънавиятини ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш...³ ишлари тарихий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида ўзбек рақс санъатини ривожлантириш, унинг тарихий анъаналарини, бадиий услубларини ва усулларини тиклаш ҳамда бойитиш, рақсларни миллатимизнинг ўзига хос гўзал фазилатлари, бой маънавиятига муносиб даражада ижро этишга жиддий эътибор қаратилди.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йил 31 майда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3022-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарорда Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида батафсил баён қилинган. Бундай имкониятлар миллий рақс санъати соҳасида ижод қилаётган санъаткорларга, ёш ижодкорларга улкан имкониятларни очиб берди.

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг охириги йиллари ва XXI асрнинг бошларида ўзбек халқи маънавий оламининг тараққиёт босқичларига кўтарилиши, оммавий-бадиий томошаларга бўлган эътиборнинг кучайиши, рақс санъатининг янги-янги намуналари пайдо бўлишига ҳамда ушбу

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1997 йил 8 январ. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 1- сон.

санъатнинг тарихий илдизларига назар солишга олиб келди. Рақс санъати борасида олиб борилган изланишлар, анъанавий-бадий шаклларни тиклаш, ижодкор шахс номи билан боғлиқ бўлган жараёнларни юзага келтирди. Бу ўз навбатида ўзоқ ўтмишга бориб тақаладиган ўзбек миллий рақс санъати, айниқса эркаклар рақс санъатининг ривожланиш жараёнлари, унинг турли босқичлари ҳамда омиллари масалаларини ўрганишни тақоза этади.

Маълумки, ўзбек рақс санъати Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган халқларнинг турмуш тарзи, маросимлари, байрамлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган. Республикамиз ҳудудларидаги қоятошлардан топилган расмлар, археологик топилмалар ҳам буни тасдиқлайди.

Аждодларимиз томонидан яратилган, бугунги кунгача сақланиб, эъзозланиб келинаётган рақс санъати намуналари келажак авлодларга асрлар оша бебаҳо мерос сифатида қолдирилмоқда. Рақс азал-азалдан халқимиз севиб ижро этадиган оммавий санъат тури шаклида бизгача этиб келди, ҳозирда бу санъат турини асраб-авайлаш, келажак авлодга миллатимизга хос бўлган энг яхши рақс анъаналарини қолдириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Рақс санъатининг намуналари, хусусан, эркаклар рақсларини тўй маросимларида ҳанузгача учратиш мумкин.

Ўтмишдаги рақс санъати вакилларининг ижод ва ижрочилик тажрибаси кейинги авлод санъаткорлари учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиб келди. Бу жараёнда эркаклар томонидан ижро этилган рақс санъати ижрочилари ва ижодкорлари ўз асарларида аждодлардан мерос – ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик, меҳнатга чуқур иззат, озодлик учун кураш сингари илғор ғояларини тараннум этиб келдилар. Натижада устозлардан мерос бўлиб қолган ранг-баранг рақслардаги илғор ғояларни юксак эстетик меъёр билан бойитиб, ривожлантириш жараёнида юзага келди.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек эркаклар рақси бошқа халқлар рақсларидан қандай ҳаракатлари билан фарқланиши, кийимлари, ижро маҳорати ва шу кунда юртимизда яшаб ижод қилаётган рақс ижрочилари

хақидаги маълумотларда ўз аксини топган. Ўзбек эркаклар рақсининг шаклланиши, услубан бойиши ва ўзига хос бадиий хусусиятларини намоён этиш масаласини мазкур соҳада муваффақиятга эришган муайян санъаткорлар ижод йўлини кузатиш, унга баҳо бериш орқали ўрганиш муҳимдир, бу рақс санъатимиздаги услубий ранг-барангликни аниқлашга имкон беради. Қолаверса, ўзбек эркаклар рақси тарихи ва назариясини тадқиқ этиш ўз аҳамиятига эга бўлиб, бугунги кун рақсшунослигининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда рақс санъати инсон маънавий оламида муҳим ўрин тутади, шу боис ўзбек рақс санъатининг ривожланиш жараёнлари, рақс усталарининг ижодини ўрганиш, ўзбек рақс санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшган рақсшуносларнинг илмий меросларини ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбек эркаклар рақси усталарининг ўзига хос маҳоратларини улар томонидан ижро этилган “Лаган”, “Андижон полькаси”, ”Дилхирож” каби қатор рақсларнинг ижросида кўриш мумкин.

Ўзбек рақс санъати ривожига ўзининг ижоди билан қатта ҳисса қўшган рақс усталаридан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматовдир. Санъаткорнинг ижодий фаолиятини турли босқичларидан бошлаб ўрганиш самарасида миллий ўзбек эркаклар рақс санъатининг анъаналари, янги давр нафаси билан тобора услубий бойиб бориш йўллари, яққохон ижодий сифатлар ва хусусиятларнинг юзага келиш жараёнларини аниқлаш мумкин. Ушбу мавзунинг долзарблиги санъаткорнинг ижоди ва замонавий балетмейстерлик, ижрочилик маҳоратини ўрганиш ҳамда ана шу масалаларига эътибор қаратишда кўринади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ушбу малакавий битирув ишида ўзбек рақс мактабини шакллантириш, рақс шаклларини тўплаш, саралаш, сайқал бериш, уларни ижро этиш борасида хизмат қилган баъзи устоз санъаткорларнинг ижод йўлига қисқача тўхталиб ўтилган.

Ана шундай устозларнинг ишини давом эттирган ва бугунги кунда ўзбек эркаклар рақси санъатининг тикланиши ва ривожланишига ўз ҳиссасини кўшаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов ижоди матбуотда эълон қилинган айрим мақолаларда бир қадар ўз аксини топган. Жумладан, Р.Галазов томонидан “Правда Востока” газетасида чоп этилган “Покорил танцем”⁴ номли мақолада, А.Абдурахмоновнинг “Тошкент оқшоми” газетасида “Ангренлик раққос”⁵ номли мақоласида раққоснинг ижодий фаолияти ҳақида маълумот берилган.

Шуни таъкидлаш зарурки, бугунги кунда ўзбек миллий эркаклар рақс санъатини ўрганиш эътибордан четда қолмоқда, жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов ижоди ҳам жуда кам ёритилган. Шу боис ушбу битирув малакавий ишда мазкур санъаткоркорнинг ижодий йўли, ижро маҳорати, услубий ўзига хослигини ўрганиш масалаларига эътибор қаратилди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади ўзбек эркаклар рақсининг тарихи, намоёндалари ижодини батафсил ўрганишдир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматовнинг ўзбек эркаклар рақси ривожига кўшган хиссаси, унинг ижод йўналиши, ўзига хослиги, миллий эркаклар рақс санъати равнақидаги ўзига хос ўрнини илмий ёритишдан иборат.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбекистонда эркаклар рақсининг ривожланиш босқичларини аниқлаш;
- ўзбек миллий эркаклар рақсида устоз ва шогирд анъаналарини ўрганиш;
- ўзбек эркаклар рақсининг ворислари, унинг бугунги кундаги ҳолатини аниқлаш;

⁴ Газета “Правда Востока”. 1987 г. 21 март.

⁵ “Тошкент оқшоми” газетаси. 1991 йил, 10 май.

- ўзбек эркаклар рақси тарихини ўрганиш;
- Нарзиддин Шерматовнинг рақс санъатидаги фаолияти илк даврларини очиб бериш, унинг раққос сифатидаги фаолиятини ёритиш;
- санъаткор ижодида устоз-шогирд анъаналарини аниқлаш.

Малакавий битирув ишининг объекти ва предмети. Битирув малакавий ишнинг объекти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматовнинг ижодий фаолиятдан иборат. Н.Шерматовнинг рақс санъатида раққос ҳамда устоз сифатидаги ўрни, услубий ўзига хослиги эса тадқиқот предметини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Ўзбек эркаклар рақс санъати бугунги кунда талай ютуқларни қўлга киритиб, кенг оммалашиб бормоқда. Кўплаб раққосларимиз кекса санъаткорлар орттирган билим ва тажрибаларидан баҳраманд бўлиб, ўзларининг рақслари билан халқимиз ҳурмат эътиборини қозониб келмоқдалар. Мазкур битирув малакавий ишида Н.Шерматов ижодий индивидуаллиги ва балетмейстерлик услуги ҳамда устозлик маҳорати тадқиқ этилиб, ижодий динамикаси тизимлаштирилди. Шунингдек, муайян санъаткор иш услубини таҳлил этиш орқали ўзбек эркаклар рақс санъатида тутган ўрни, роли ва аҳамияти борасидаги қарашлар умумлаштирилди, ижодий баҳоланди.

Ушбу ишда тарихий, қиёсий ва тадқиқот объектини эстетик тарбиявий ҳамда бадиий аҳамиятини белгиловчи методология қўлланилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Юқорида белгиланган мақсад ва вазифалар битирув малакавий ишнинг қуйидаги тузилиш таркибини белгилаб беради:

Битирув малакавий иш Кириш, Биринчи боб, Иккинчи боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, унинг ёритилиш даражаси, ишнинг методологик таянчини ташкил қилган асосий манбалар,

тадқиқотнинг предмети, объекти, иш олдида қўйилган мақсад ва вазифалар доираси ҳамда малакавий ишнинг таркибий тузилиши очиб берилади.

Биринчи боб “Ўзбек рақси ривожининг тарихий жараёнлари ва ўзига хослиги” деб номланиб, икки таркибий қисмдан ташкил топган. Бу бобда ўзбек рақси ривожининг қисқача тарихи, ўзбек рақс мактабларининг ўзига хос хусусияти ва услублари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматовнинг ҳаётий йўли ҳақида маълумот берилади.

Малакавий ишнинг марказий қисмини ташкил қилган **Иккинчи боб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов рақсларининг ўзига хос жиҳатлари”** деб номланиб, бевосита Нарзиддин Шерматовнинг ижрочилик ҳамда устозлик фаолиятларига бағишланган.

Хулосада олиб борилган барча изланишлар юзасидан умумланган фикрлар баён этилади ва баъзи фикр-мулоҳазалар келтирилади.

I БОБ. ЎЗБЕК РАҚСИ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

1.1. Ўзбек эркаклар рақс санъати ривожининг тарихий босқичлари

Рақс санъати ва унинг ривожланиш босқичларига назар солсак, унинг нақадар қадимийлигини англаймиз. Рақс санъати дунё халқларининг энг қадимий санъат турларидан бири ҳисобланади. Қадимий рақслар ибтидоий даврда яшаган инсоннинг меҳнат жараёнида ва атрофдаги ҳодисалардан олган ҳиссий таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Рақс замоний ва маконий санъатнинг шундай турики, унда бадиий образ инсон гавдасининг ритмик уюшган, тасвирий ва ифодавий ҳаракатлари билан яратилади.

Рақс санъатида ижрочининг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, юздаги имо-ишоралари, ритм, мусиқий темп орқали образ яратиши рақснинг асосий воситалари ҳисобланади. Рақс дастлаб кўшиқ ва сўз билан боғлиқ равишда пайдо бўлди ва ривожланди, кейинчалик эса мустақил санъат турига айланди.

Ҳар бир халқнинг ўз рақслари бўлиб, рақснинг ижро услуби, пластик ҳаракатлар тасвирий воситалар бўлиб, рақслар шу халқнинг тарихий, ижтимоий, географик шароитлари таъсирида таркиб топган ва ривожланган. Ҳар бир халқнинг рақсида овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик билан боғлиқ мавзулар, шу билан бирга шу халқнинг боқинчиларга қарши кураши ва лирик кайфиятлари ўз аксини топган.

Марказий Осиёда бронза даврининг охирларида ва илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлари “Авесто” китобида акс этган. Зардуштийликнинг бу муқаддас китобида рақс санъати икки йўналишда ривожланганлиги ҳақида маълумот мавжуд. “Авесто” қисмларининг диний маросимий ижро шартлари ва унинг ижро усулларига эътибор қаратилса, санъатнинг бошқа турлари билан бирга рақс санъатининг ривожини ҳам илғаш мумкин.

Тарих отаси Геродот ўзининг “Тарих” китобида Амударё бўйида яшовчи массагетлар кечаси гулхан ёқиб, унинг атрофида айланиб, тонг отгунча рақсга тушиб, кўшиқ айтишлари хусусида маълумот беради. “Авесто” асарининг “Яшт” бўлимида ҳам бундай маълумотлар мавжуд.

Рақсшунослик илмига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган олима Любовь Александровна ўзининг “Ўзбек миллий рақси тарихидан”⁶ китобида миллий рақс санъатининг ибтидоий даврдан то бугунги кунга қадар ривожланиш жараёнини кўрсатиб берди. Муаллиф ушбу китобида ўзбек миллий рақс санъатининг нодир намуналарини таҳлил қилиб, унинг ижрочилари ҳақида атрофлича маълумот берган. Олима бу тадқиқотида ўзбек миллий рақс санъатининг тарихини жамлаб, унинг босиб ўтган йўли ҳақидаги барча маълумотларни келтирган.

Ўзбекистон ҳудудида топилган турли тасвирлар, археологик топилмалар бу ерда рақс жуда қадимийлигидан далолат беради. Масалан, Навоий шаҳридан 60 километр шимолида Қоратоғ этакларидаги Сармишсой қоятоғларида жами 100 дан ортиқ расмлар орасида рақсга тушаётган икки киши тасвири ҳам топилган. Олимларнинг фикрича бу расмлар бундан 3 минг йил бурун, яъни қулдорлик жамиятига алоқадор бўлган даврда тошларга чизилган ва ўша давр диний маросим ҳамда халқ ўйинлари ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Бу суратларда раққосларнинг турли композициялари бор. Улар икки кишидан бўлиб турли туркум рақслар ижро этмоқдалар. Чунончи, 4 раққоснинг ўйин характери уруш ва ғалаба маъбудди Миррих мифологияси образлари талқинига ўхшайди. “Авесто” бўйича Миррих қуролланган бақувват бир йигит сифатида тасвирланади. Бу суратлар ўша давр

⁶ Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. – Тошкент: “Ўзбекрақс бирлашмаси”, 2001, 284 бет.

қахрамонлик рақсларини характерлаб бериш жихатидан катта қизиқиш туғдиради. Уларнинг белида калта қилич осилган ва жуда жўшқин ритмда рақсга тушмоқдалар. Раққосларнинг қўл, оёқ, тана ҳаракатлари имо-ишоралари бир хил ва бир-бирига монанд бўлиб, қандайдир бир маънони англатади. Уларнинг рақслари бир томондан гўзаллик бахш этса иккинчи томондан жасурлик, қахрамонлик кайфиятларини ёки жангга кириш олдидан зўр тайёргарлик кўраётганларини эслатади. Бу раққосларнинг қўл, оёқ, тана ҳаракатларидаги кескин ва аниқ чизик, қўлни юқори кўтариб, тиззани бироз букиброк ўйнаши, сакраб, жўшқин ритмик ҳаракат қилиш худди ҳозирги Хоразм ўйинларига ўхшаб кетади ⁷.

Агар тадқиқотчиларнинг кўрсатган йилномаси тўғри бўлса, бундан 3 минг йил бурун Ўзбекистоннинг жанубий туманларида профессионал рақс санъати шакллана бошланганлигига англаш мумкин. Чунки бу раққосларнинг қўл, оёқ, тана ҳаракатларидаги кескин ва аниқ чизик ҳозирги Хоразм халқ рақсларига ўхшаб кетади. Тепада қўлида катта дойра (дўл) кўтариб турган кишининг тасвири бўлиб, у дойрани чалиб, ўйинчи қабиладошларига усул бериб турибди. Албатта, дастлабки ўйинлар тошни - тошга, суякни - суякка, чўпни - чўпга, кафтни- кафтга (қарсак) уриб, ундан ҳосил бўлган усуллар билан ижро этилган.

Мазкур тасвир Алмати яқинидаги Тамғали сойидан топилган қуёшсимон дойраларга айнан ўхшайди Дойралар одамларни бошини тўсиб тургандай. Олимларнинг фикрича, тасвирларда қадимги одамларнинг қуёшга сиғиниш маросими ўз аксини топган.

Юнон Бақтрия подшолиги даврида (мил. ав. IV-III асрлар) Турон рақс санъатининг даражаси Юнонистон, Византия, Ҳиндистон ва Хитой Республикаси билан баҳслаша олган. Ўзбекистон сарҳадларида Юнон, Бохтар, Кушон, Суғд, Паркона, Хоразм давлатларида рақс санъати шу

⁷ M.Raxmonov. "O'zbek teatri". 51-52 betlar.

даражада ривожландики, рақс усталари Буюк Ипак йўли билан Миср, Рум каби ўлкаларигача етиб борганлар.

Қадимги эллинизм даврининг (тахминан эрамиздан аввал IV асрдан эрамизнинг III асригача) ва илк ўрта асрларга қадар бўлган даврнинг хайкалтарошлари, наққошлари ўз асарларида ўйинга тушаётган раққос ва раққосаларни тасвирлаганлар.

Шаҳар маданияти тараққий этган сари рақс санъати ҳам мураккаб шаклларга эга бўлиб борди, унинг турлари, туркумлари, жанрлари кўпайиб, аждодларимизнинг бир умрлик йўлдошига айланиб борди. Республикамизнинг қадимий шаҳарлари Бактрия, Сўғдиёна, Сурхондарёнинг Зараутсой камари, Фарғонанинг Суратсой ва Саймалитош манзили, Самарқанднинг Илонсой ва Оқсой ва Хоразмдан топилган кўплаб ёдгорликлар ўзбек рақс санъатининг қадимийлигидан дарак беради.

Бактрия ва Сўғдда ҳамда бошқа жойлардан топилган ёдгорликлар анча, улар кўшиқ куйлаш (жумладан, якка кўшиқ, якка рақс, гуруҳ -гуруҳ бўлиб рақсга тушиш) манзараларини ўзида акс эттирган. Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидан топилган аёллар хайкалчаларида рақс ҳолати тасвирланган, Қорабулоқдаги қабрдан топилган кўзгу дастасига ишланган расмда эса раққоса тасвири гавдаланган.

Бухородан топилган “Бухоро кўзаси” номини олган расмда Кушон-Бактрия даврига оид бешта раққоса тасвирланган. Зартепада топилган раққоса хайкалчаси (V-VI аср) бу даврда рақс санъатининг жуда ривож топганлигидан дарак беради. Бу раққоса хайкалчасининг тасвири ҳозирги замон балериналарини эслатади. Раққосанинг ҳолати унинг рақс ижро этаётганлигини кўрсатади. Шу каби ёдгорлик намуналари Самарқанд ва Панжикент чегаралари ҳудудида ҳам топилган бўлим, бу манбаларнинг барчаси мамлакатимизда қадимдан рақс санъати мавжуд бўлгани ва ривож топганлигидан далолат беради.

Мазкур даврларда ўзбек санъати намояндалари ҳам бошқа худуд санъати билан фаол алоқада бўлганлар. Масалан, Бактрия подшоси Монандр Ҳиндистоннинг катта қисмини босиб олинганидан сўнг, бактрияликларнинг маданияти Ҳиндистон маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Сахнавий рақслар дастлаб Юнонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда пайдо бўлган. Кейинчалик халқ рақслари асосида таркиб топган профессионал рақслар юксак даражада ривожланиб, турли рақс тизимлари қарор топган.

Европа профессионал рақс санъатининг ривожланишига Юнонистон ва Рим рақс санъати салмоқли ҳисса қўшган бўлса, Хитойга юборилган санъаткорлар қаторида раққос ва раққосалар ўз санъати билан хитойликлар санъати ривожига ҳисса қўшганлар. 729 йилдаги ёзувларга кўра Маймур (Сўғдиёна шаҳарларидан бири) элчиси Хитой императорига “Хусюань” рақсини ижро этувчи уч туркистонлик раққоса қизни совға қилгани ҳақида хикоя қилинган. Ўша давр китобларида “Хусюань” рақсини ижро этадиган самарқандлик ва бухоролик раққоса қизларга, уларнинг нафис ва жозибадор рақсларига юқори баҳо берилган. XII - XIII асрларда кенг тарқалган шоирлар асарларида Самарқанд, Бухоро, Фарғона халқларининг “Хусбань”, “Хутэнь”, “Чжэчжи” каби рақслари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу шоирлардан Бо-Цзю-и ва Юань Чжаннинг ёзган қасидаси бизгача етиб келган.

Улар Самарқандлик раққосаларни шундай таърифлаган эдилар: “О, раққоса! Раққоса рақсга тушганда қор учқунлари уюрмасининг шиддат билан гир-гир айланишига ўхшайди. У чарчаш нималигини билмайди. Минг бир айланади, ўн минг бор айланади, чархдек айланишининг чегараси йўқ. Уни одамлар авлодиданми ёки фаришталар наслиданми, ажратиб бўлмайди. Елдек учиб бораётган арғумоқ унга теглаша олмасди”.⁸

⁸ Раҳмонов М. Ўзбек театри. Тошкент. Фан, 1975. 169 –бет.

Ушбу манбада Бухоро ва Самарқандда VI-VIII асрлар даврига оид “Шер йигитлар” деб номланган рақс ҳақида қуйидагилар ёзилган: “Тўртта раққос йигит. Бош томонга қаратиб (шимол, жануб, ғарб, марказ) беш нафар шер ўрнатилади. Уларнинг бандлиги бир чжан (3,2 метр), оламнинг беш томонига хос бўёқдаги либос кийинган (Шарқ-кўк, ғарб-оқ, жануб-қизил, шимол-қора ва марказ-сарик). Шерларнинг ҳар бири ўн икки нафар йигитдан тузилади. Уларнинг кийимлари хилма-хил бўёқларда, қўлларида қизил ленталар ушлаб турган бўладилар, бошларига қизил румол ўраганлар. Мана шу таҳлитда турадиган йигитларни “Шер йигитлар” деб атайдилар”.

Эркаклар рақсининг Хитойда кенг тарқалгани тўғрисида Тан поэзиясида маълумотлар мавжуд. Бу рақс Хитойга Тошкентдан ўтган, уни асосан эркак раққослар ижро этган бўлиб, Тошкентдан ўтган яна бир рақсни хитойликлар “Чжэ-чжи” деб атаганлар.

Хитойга ўтган аҳоли, шу жумладан актёрлар, раққослар ҳам Хитой исмини олиши шарт бўлган. Шунинг учун улар қайси шаҳардан келган бўлсалар, ўша шаҳар номи билан аталганлар: тошкентликлар Шиго, самарқандликлар Каньго, бухороликлар эса Аньго деб номланган.

Рақс санъати Темурийлар даврида ниҳоятда раванқ топди. Амир Темур томонидан Моворауннаҳрнинг муҳим маданий марказлардан бирига айлантирилиши маданият ва санъатга эътиборнинг кучайишига олиб келди. Халқ сайиллари ва байрамларнинг ташкил этилиши оммавий майдон рақсининг ривожланишига сабаб бўлди.

Шаҳарларда савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва уларнинг ихтисосланиши билан бирга санъаткорлар ҳаётида ҳам анча ўзгаришлар юз беради. Профессional артистлар (сарой артистларидан ташқари) кулол, рассом, сартарош ва бошқа ҳунарманд касиблар каби ўзининг қаттиқ қонун - қоидаларига эга бўлган махсус цехларга бирлашганлар.

Шуниси характерлики, кўп косиблар ёки уюшма аъзолари махсус маросим ўйинларини ижро этишни ҳам билганлар: раққослик уларнинг иккинчи хунарлари ҳисобланган.

Бу даврда олов атрофидаги ўйинлар, мақом рақслари ижро этилган, “Муножат”, “Лазги” ва бошқа рақслар моҳир ижрочилар дастурларидан ўрин олган. XV аср охири ва XVI аср бошларида Сайид Бадр, Тохир Чакка, Моҳчучук, Мақсудали, Катта Моҳ, Кичик Моҳ каби рақс усталари машҳур бўлганлар.

XV асрда Ўрта Осиёда рақс санъати анъаналарига бўлган эътиборни А.Навоийнинг “Мажолисун -нафоис”асари ва Восифий асарларидан билиб оламиз. Ўша даврда Ҳиротда машҳур бўлган рақслардан бирини А. Вамбери шундай таърифлайди: “Раққос беҳад шинам кийинган бўлиб, минбар устида ўйнайди. Ҳар бир ҳаракат ва имоси мусиқа ва ашула тактига мос, чаққон ва нафис ҳаракат қилади...”⁹.

Восифий ўз асарларида Масъуд, Али деган раққосларнинг юксак талантлари ҳақида завқланиб ҳикоя қилади.¹⁰ Ўша даврларда яратилган миниатюра асарларида ҳам сарой базмларида рақс ижро этаётган аёл тасвирлари берилган.

XVI -XIX асрлар мобайнида турли ижтимоий тузум ва қарама-қаршилиқларга дуч келинса-да рақс санъатининг элементлари халқ орасида ижро этилиб, сақланиб қолди. Асрлар давомида ижрочилар томонидан сайқал берилиб, келажак авлодга етказилди¹¹.

Бугунги кунда ўзбек рақс санъатида ижро этилаётган мусиқа ва раққосанинг ҳаракатлари ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланмоқда. Рақслардаги бу кўриниш ва жиҳатлар рақснинг мазмунини ифодалашга хизмат қилиб, ҳар бир ҳудуд рақсларида ўзига хослигини кўрсатишга хизмат қилади.

⁹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Сб.,1865, стр.361.

¹⁰ Болдырев А.Н. Зайниддин Восифи, стр. 266-267.

¹¹ Murodova M. Xalq ijodiyoti. T. “O’zbekiston” 2015.

Раққоса ва раққослар ижро жараёнида қарсақ, тепки, зангдан ҳам фойдаланадилар. Айрим рақсларда пиёла, рўмол, кўза каби буюмлардан, баъзан эса халқ чолғу асбоблари кайроқ, доира, ноғоралардан ҳам ижро давомида фойдаланиш урф бўлган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек рақс санъати “Катта ўйин” номли йирик шаклдаги бир қанча рақслардан (бу жанрдаги рақсларнинг асоси айнан шу рақснинг ўзи бўлгани учун, уларнинг ҳаммасини ҳам шу ном билан юритишар эди), “Хона базм” деб аталувчи рақслардан, оммавийлаштирилган рақслардан, циркка хос бир қанча ўйинлардан ва ижрочилари профессионал раққос бўлмаган импровизация ўйинларидан иборат эди.¹²

XX асрларда рақс санъати Бухоро, Хоразм ва Фарғона рақси йўналишларида ва замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган сахнавий халқ рақси сифатида ҳамда миллий рақс элементларидан фойдаланган балет спектакллари тарзида ривожланиб келди. Бу йўналишларнинг ҳар бири бир неча тарихий босқични ўтиб, ўз шакли ва мазмунига эга бўлди.

XX асрда рақс санъатида рақс мактаблари вужудга келди. Улар Бухоро рақс мактаби, Хоразм рақс мактаби ва Фарғона рақс мактаби деб номланиб, ўзига хос йўналишларни шакллантирди. Мазкур йўналишларнинг ҳар бири асрлар давомида тарихий босқичларни босиб ўтган ва ривожланган рақс ҳаракатларини ўз ичига олди. Ўзбек халқ рақслари ўзбек касбий рақсларининг барча шакллари ўзида мужассамлаштирган ва аксар ҳолларда уларни маҳаллий ҳаракатлар ва шакллар билан тўлдириб беради.

Ўзбек рақс санъати ривожини илмий ўрганиш борасида раққоса ҳамда олима Розия Каримованинг фаолияти ниҳоятда муҳим бўлиб, у ўзининг кўп

¹² Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. Т. 1960, стр. 15.

йиллик изланишлари, тўплаган ижодий тажрибасини рақсшунослик илмида намоён этди. Розия Каримова ўзбек рақс мактабларининг ўзига хос хусусиятлари чуқур ўрганди, натижада олиманинг “Фарғона рақси”(1973 й.), “Хоразм рақси” (1975 й.) ва “Бухоро рақси” (1977 й.) номли қўлланмалари яратилди.

Р.Каримова “Бухарский танец”¹³ (“Бухоро рақс мактаби”) китобида анъанавий Бухоро рақс мактабига хос маълумотларни келтирган ҳамда ушбу рақс мактаби моҳир усталарининг ижроларини таҳлил этган.

Розия Каримованинг ўзбек рақсларини ўрганишга бағишланган ўқув қўлланмалардан бири “Ферганский танец”¹⁴ (“Фарғона рақси”) китоби бўлиб, Фарғона рақс мактабининг анъана ҳамда ўзига хослигини очиб беришга қаратилган. Олима Фарғона услубидаги рақслар таҳлили, ҳаракатлар кетма – кетлиги ҳақидаги маълумотлар берган.

Розия Каримованинг “Хоразм рақс санъати”¹⁵ (“Хорезский танец”) номли ўқув қўлланмасида Хоразм воҳасининг анъаналари, рақс санъатининг гўзал жиҳатлари ўрганилган. Хоразм рақсларининг миллий хусусиятлари, ўзига хос ҳаракатлар аниқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Мустақилликка эришган даврдан бошлаб рақс санъати ривожига алоҳида эътибор берилди, қадимги урф-одат, анъана ва маросимлар қайта тикланди. Рақс санъати янгича шакл ва тез суръатларда ривожлана бошлади. Ўтган давр мобайнида рақс санъатининг бой анъаналари ўзига хос талқин ва мазмун касб этиб, янада гўзаллашди.

Республикамизда кенг нишонланадиган Мустақиллик ва Наврўз байрамларида, сайил ва тантаналарда ижро этиладиган рақслар ва композициялар рақс санъатида эришилган ютуқларни намойиш этмоқда. Мазкур байрамларда рақс санъати тантанали, ранг-баранг концерт, театрлаштирилган томоша шакллариغا эга бўла бошлади.

¹³ Каримова Р. Бухарский танец. – Ташкент:Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма, 1977, стр.125.

¹⁴ Каримова Р. Ферганский танец. – Ташкент: Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма 1973, стр.224.

¹⁵ Каримова Р. Хорезмский танец. – Т.: 1975.

Ўзбек рақси кўп йиллар мобайнида халқ орасида байрам ва маросимлар билан боғлиқ ҳолда анъанавий шаклларда ҳамда замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган шаклларда яшаб келмоқда.

Ўзбек миллий рақслари даврлар давомида сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда, улар профессионал рақс усталари томонидан ижро этиб келинган, шакли ва ҳаракатлари тартиблаштирилган рақслар ҳисобланади.

Қадим даврлардан бизгача етиб келган топилмаларда акс эттирилган суратлардан шуни англаш мумкинки, тасвирдаги қиёфалар эркак ёки аёл эканлигини тўлиқ англаш қийин. Бу суратларда кўпроқ эркаклар акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин. Зеро, тасвирларда кўрсатилган рақс ҳолатлари айнан эркаклар бажарадиган ҳаракатларга мос келади. Чунки бу раққосларнинг қўл, оёқ, тана ҳаракатларидаги кескин ва аниқ чизиқлар ҳозирги эркаклар ҳаракатларига монанддир. Шунинг учун ҳам суратларда эркак раққослар тасвирланган, деган фикрга келиш мумкин. Аммо бу рақслар нимага бағишлангани қизиқарли бўлиб, ўз характерида кўра бу рақслар ҳарбий –қаҳрамонлик рақсларидир.

Буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг “Ўтмиш халқларидан қолган ёдгорликлар” асарида оташ билан боғлиқ рақс удумлари ҳақида ажойиб маълумотлар келтирилган. У қадимда хоразмликларда “Очом” байрами бўлганлигини, бу байрам янги йил байрами сифатида нишонланганлигини ёзади. Унда асосий ғоя ёмонлик худоси Ахриман билан яхшилик худоси Ахурамазда ўртасида боровчи кураш рақсларда ифода этилган экан. Раққослар ҳолдан тойгунча рақсга тушиб, руҳий озуқа олганлар.¹⁶

Ўзбек халқининг қадимий рақсларидан бири бўлган “Катта ўйин” ҳақида турли фикрлар мавжуд. “Катта ўйин” мураккаб бир сюитани, рубойи ва ғазаллар тўпламини ёдга солади. Тузилиши мураккаб, турли ҳаракатларни ўзида жам қилган бу рақс кўп йиллардан бери халқ орасида яшаб

¹⁶Matyoqubova G. Ofatijon lazgi. Т.: 6-7 bet

келаётганлиги бу халқнинг қадимдан ўзига хос рақс санъатига эга эканлигидан дарак беради. Ираида Бахта ва Ғулом Зафарий мусиқашунос олима Елена Романовская билан ҳамкорликда “Катта ўйин” – рақс санъати бўйича ноёб асарни ёзиб олдилар ва бу тадқиқот яратилиши самарасида рақсшунослик илмига асос солинди.

Айрим маълумотларга кўра “Катта ўйин” бир сюжетга боғланган кичик-кичик рақс парчаларидан иборат бўлган ва бу рақс ижросида 280 усулдан фойдаланилган. Эрамиздан аввалги III-IV асрларда, яъни Александр Македонский даврида рақослар бу рақсни ижро этишда барча усулларидан фойдаланилган экан.

Ўзбек рақс санъатининг кекса намоёндаларининг фикрларига кўра “Катта ўйин” XIX асрда мураккаб рақс спектакли-аниқ сюжет асосида ўсиб борувчи асар сифатида ижро этилган ҳамда рақс ҳаракатларида қадимий урф-одатларни эслатиб турувчи ҳаракатлар ҳам мавжудлиги ҳақидаги манбалар учрайди.

Ҳозирги ўзбек ва тожик халқларининг ота-боболари қадим замонларда қишнинг тамом бўлиши ва табиатнинг уйғонишини символик тасвирловчи “ўлиш ва тирилиш” худоси –Сиёвушга бағишлаб баҳор сайлини ўтказишган. Ёзма манбаларга ва моддий маданият ёдгорликларида келтирилган маълумотларга қараганда, Табиат худосисига бағишланган сайллар ўтказиш Ўрта Осиё халқларида ўрта асрнинг бошларидаёқ одат бўла бошлаган эди.

Сиёвушга бағишланган ўрта асрлардаги сайиллар бир неча кун давом этган. Хитойликларнинг ёзма манбаларида келтирилишича, Самарқанд аҳолиси Сиёвуш байрами билан бир вақтга тўғри келадиган баҳорги Наврўзни етти кун байрам қилар эканлар. Ўрта асрнинг Сиёвуш ҳақидаги афсонаси қадимий “Катта ўйин” рақсига асосий мазмун берган, деб тахмин қилиш мумкин. “Катта ўйин” усулларининг номларини бирма-бир кўриб чиқилса, ўйиннинг сюжети шаклланади ва бу сюжет Сиёвуш сайлининг сюжети билан ўхшашдек кўринади.

XIX асрнинг охирларида “Катта ўйин” нинг ижрочилари бу рақсни маълум даражада сахна қонун қоидаларига мослаштирдилар.

Халқимизнинг хореографик меросида “Катта ўйин” нинг мавжудлиги ўзбек рақсининг қадимий тарихга эга эканлигилан ва кўп асрлардан бери ривожланиб келаётганидан дарак беради.

Бу рақсларни фақат эркак раққослар ижро этишганлиги ҳам маълум. Бундай рақслар маросимий рақс ҳисобланиб, рақс жараёнида уларнинг кийган кийимлари ҳаракатлари барчаси ўтказилаётган маросимга мос бўлиши шарт бўлган. Жумладан “эрамиздан олдинги 2-1 минг йилликларда Фарғонанинг Саймалитош тоғи ғорларида чизилган суратлар ичида ўйинга тушаётган думлик кишилар гуруҳи ҳам бор. Улар икки киши - икки киши бўлиб бир-бирларига юзма-юз туриб, қўлларини кўтариб эҳтирос билан ўйнамоқдалар”¹⁷.

Бу манбалардан шу нарса маълумки, қандайдир бир маросим вақтида ижро этилаётган рақслар жараёни тасвирланган. Аммо бу ижрочилар эркакми ёки аёл киши эканлиги ноаниқ. Мантиқан тахмин қиладиган бўлсак, улар икки киши бўлиб бир-бирига қараб ўйнамоқдалар, бундан шу нарса маълумки, бугунги кунда ҳам бизнинг тўй-ҳашамларда ёки байрамларда йигитлар билан қизлар худди шу тарзда бир-бирларига қараб ўйнайдилар. Шу фикрга асосан, расмдаги аёллар ва эркаклар ёнма-ён биргаликда рақс ижро этмоқдалар, дейишимиз мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон ҳудудида топилган ва ибтидоий жамият даврига мансуб тасвирий санъат ёдгорликларида пантомим рақс тасвирларини жуда кўп учратиш мумкин. Улар турли мазмун ва характерга эга бўлиб, баъзилари меҳнат ва ов жараёнини тасвирласалар, бошқалари жанговор ўйинни эслатади. Демак, шу асосда таъкидлаш мумкинки, дунёнинг турли қитъаларида бўлганидек, Ўзбекистон ҳудудида ҳам одамларнинг бошқа қиёфага кириб ҳаракатланиши ва

¹⁷ Рахмонов М. Ўзбек театри. Т. “Фан” 1976 й. Б.169.

пантомим рақс санъати ибтидоий замонларданок шакллана бошлаган.

Шарқ халқларида, хусусан, Марказий Осиё ҳудудида шаклланган ва ривожланган рақс санъатининг жуда қадимийлигидан дарак берувчи, юқорида тилга олинган расмлар, идишларга туширилган тасвирлар ҳамда Тупроққалъадан топилган мелоддан аввалги 3 асрга мансуб раққосларнинг “Ниқоблар зали” ва шу ердан топилган кичик ҳайкалчалар рақс санъатининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Рақс санъати мусиқа билан узвий боғлиқ бўлиб, мусиқа мазмунини образлар воситасида очиб беради. Халқ рақсларида ритм муҳим бўлиб, у мусиқада ўз ифодасини топади. Оёқ, қўл, бош ва тана ҳаракатлари умумий ритмга бўйсунди, бир-бири билан боғланади.

XIX - XX асрларда халқ орасида “Қани-қани” деб номланган рақс кенг тарқалган эди. Унда рақс ижрочиси томошабинларнинг “Қани-қани” деган чақириқларига ўзига хос ҳаракатларни ритмик равишда бажариб, масалан, пахта қандай терилади?, белбоғ қандай тикилади?, нонни қандай ёпади?, тақа қандай юради?, капалак қандай қанот қоқади?, узум қанақа ўсади? деган саволларга ушбу ҳаракатлари билан жавоб беради. Томошабинлар даврадаги яккахон ижрочига шундай саволларни беради ва қарсак билан ритм беради. Ижрочи эса шу қарсаклар жўрлигида турли меҳнат ва маиший ҳаракатларни бажаради ёки пластик воситалар ёрдамида бирор табиий ёки жониворни ифодалаб беради.

Ўзбек халқ рақс санъатида қадимдан то ҳозирги кунгача бирор буюм ёрдамида рақс ижро этиш ҳам урф бўлган. Масалан, қизларнинг “Кўза рақси” тоғ дарёси бўйига сувга чиққан қизларнинг саргузаштларини ифодаловчи сюжетли рақсдир. Бундан ташқари “Чойнак ўйини”, “Қошиқ ўйини”, “Пичок ўйини”, “Таёқ ўйини”, “Пиёла ўйини” каби рақслар қадимдан мавжуд.

Ўзбек халқ рақслари ўзбек касбий рақсларининг барча шаклларини ўзида мужассамлаштирган ва аксар ҳолларда уларни маҳаллий ҳаракатлар ва шакллар билан тўлдириб беради.

Шу ўринда бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш лозимки, аксар қўшиқ, рақс тадқиқотчилари фақат ўзбек миллий маданиятининг Фарғона водийси вилоятлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятлари мисолида тадқиқ этганлар. Сурхондарё, Қашқадарё, Қорақалпоғистон халқларининг қўшиқ ва рақс санъатини илмий ўргани масалаларига камроқ эътибор қаратилган. Мустақилликдан сўнг бу ҳолатга барҳам берилиб, халқ рақслари янги мактабларининг ўзига хослиги ўрганилди.

1.2. Ўзбек эркаклар рақс санъатининг анъанавий услублари

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида бундан 40 минг йил аввал яшаган инсонлар ўз ҳис-ҳаяжонларини, эҳтиросларини, изтиробларини чиройли ҳаракатларда ифодалашга киришганлар. Уларнинг рақслари ҳақидаги дастлабки маълумотларни республикамиз ҳудудларида жойлашган тоғ қоятошларга чизиб қолдирган юздан ортиқ тасвирлар орқали билишимиз мумкин.

Марказий Осиёда бронза даврининг охирларида ва илк темир давридаги ижтимоий сиёсий ва маданий ўзгаришлар Зардуштийликнинг “Авесто” китобида ўз аксини топган бўлиб, бу муқаддас китобда рақс санъатининг икки йўналишда ривожлаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Зардуштийлик давридан қолган қуёш ва оловга сиғиниш, Анахита ва Сиёвуш тимсоллари билан боғлиқ бўлган, кўп ҳолларда тўп-тўп бўлиб, ниқоблар кийиб ўйналадиган бир қатор ўйинлар тоифаси ҳам бўлган. “Ургуштак” шундай оммавий рақслар сирасидан ҳисобланади. Айниқса, Амударё ёқаларида, Хоразм воҳасида истиқомат қилувчи аҳоли орасида бундай ўйин ва рақслар яхши ривожланган. “Лазги” рақслари ҳам айнан шу даврда тараққий топган, бутун бир туркум сифатида шаклланган, деб ўйлаймиз.

Шаҳарлар ҳамда қишлоқларда байрам ва тўйларда ҳамма ўйнаган, ҳатто кўчманчи чорвадорлар ҳам қарсак чалиб ўйнаганлар. Шу тарзда энг яхши ижрочилар орасидан малакали раққос ва раққосалар етишиб чиққан.

VIII асрда араблар бизнинг ўлкаларни босиб олгандан сўнг, улар “Ислом” дан бошқа динлар эътиқодини тақиқлади. Ислом дини қонунларига тўғри келмайдиган халқ ўртасидаги турли хил урф-одатларни, шулар қаторида истеъдодли аёлларнинг ашула айтиб рақс тушушини ҳам мутлақо ман қилди. Бу қонунларга бўйсунмаган созанда, ашулачи ва раққосаларни юзсизликда айблаб, уларни ўлимга ҳукм қилинди. Бу тайзиклардан омон қолган санъаткорлар эса ўзга юртлар: Хитой ва Ҳиндистонга қочиб ўтдилар ҳамда шу ерларда ўз ижодларини давом эттирдилар.

Гарчи мамлакат ичида тазйиқ ниҳоятда кучли бўлсада, санъат ривожланиш йўлини топди. Ўша даврда эски раққосаларга созандалик қилиб уларнинг рақсларини ипидан игнасиғача биладиган созандалар, ёш, чиройли ва талантли болаларни топиб, уларни хотин-қизлар рақсига ўргата бошладилар. Бу болалар 8-10 ёшдан бошлаб 4-5 йил мобайнида аёл рақс усулларини ўрганишган. Йигитлар аёллар рақсини ижро этишганда фақат аёллар рақсига хос хусусиятларнигина эмас, балки аёл ҳаракатларини, ҳолатларини, ички руҳий кечинмаларини ҳам рақсда ифода этганлар.

Ўрта асрларга келиб бу ҳол бироз ўзгаради, яъни шижоатли эркак раққослари шакллана бошлади. Бу каби раққослар ижроси юқорида тилга олинган буюк мутафаккир Мир Алишер Навоийга ҳам маъқул тушган бўлиб, Алишер Навоий айниқса йигитларнинг рақсларини ёқтирган. Қуйидаги:

Йигитлигимда эдим мубтало йигитларга,

Қориб ҳам ўзни тилармен фидо йигитларга, - деган байт шунга ишорадир. Шоир, айниқса, бир лўли бозигар йигитнинг ўйинларини беҳад ёқтирган экан.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг шеърий вазнлар масаласига бағишланган “Мухтасар” асарида “Мир Алишер (ҳажаз баҳрида) бир неча

ғазал айтибтур, ул жумладан бир лўли йигитнинг таърифида бу ғазал воқия бўлибтур”, деб уни тўлиқ ҳолда келтиради¹⁸.

Лўли бозигар фақат раққосликда эмас, балки цирк санъатининг кўпгина турларида маҳорат кўрсатган. Умуман, Алишер Навоий рақс усталарини яхши билган ва санъатидан баҳраманд бўлиб турган.

Зайниддин Восифийнинг "Бадое-ул вақоеъ" асарида ҳикоя қилинишича, Амир Мажидиддиннинг 1492-йилда Навоий шарафига уюштирилган базмида бошқа атоқли санъаткорлар қатори Сарви Лабижўй, Шамшоди Сояпарвар, Моҳи Симноний, Мирак Заъфарон лақабли раққослар ҳам қатнашган. Яна шу манбадан 1510-йилда Зайниддин Восифийнинг уйида бир тўда санъаткор томоша берганини билиб оламиз. “Бир кечаси, - деб ёзади Восифий, - бир гуруҳ дўстлар бу фақирнинг уйига тўпланишди. Мирзо Байрам конунини созлади.

Хонзода булбул доира чалди, Сиёҳча хонандалик қилди. Мулло Фазлий, Мулло Аҳлий, Мавлоно Амоний, Мавлоно Муқлибий бадеҳа айтишди. Тохир Чакка ва Моҳчучук рақсга тушдилар”¹⁹. Демак, бадиҳагўйларни ҳисобга олмаганда, тўда икки созанда ва икки рақсчидан (5 киши) иборат бўлиб, йигит билан қиз бирга рақсга тушганлар.

Алишер Навоий даврида Саййид Бадр деган машҳур раққос ҳам яшаганлиги маълум. У Хусайн Бойқаро амирларидан бири, ҳамсухбати бўлган. Бинобарин, Саййид Бадр рақс санъатида нафақат моҳир ижрочи, балки юксак иқтидорли ижодкор экан. Шубҳа йўқки, Алишер Навоий Саййид Бадрни ва унга ўхшаган чинакам рақс усталарини мароқланиб томоша қилган ва қадрлаган. “Қари наво” куйи ва рақсининг келиб чиқишини Навоий номи билан боғлайдилар. Бу рақс, балки, улуғ шоир шарафига Саййид Бадр томонидан ихтиро қилингандир.

¹⁸ Бобур З.М. Мухтасар асари.

¹⁹ Murodova M. Xalq ijodiyoti. T. "O'zbekiston" 2015.

Алқисса, Алишер Навоий асарлари қатларидан рақс санъати хусусида ҳам кўп қайдлар, маълумотларни излаб топиш мумкин. Бизнинг ҳаракатимиз бир дебочадир, холос. Аммо ҳозирданок баъзи бир хулосалар яшаш мумкин.

Аввало шуни айтиш керакки, Навоий даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда рақс санъати ҳам тараққий топган ва уч тоифага бўлинган: бири кўп ҳолларда зодагонлар орасида мақом куйлари ва усуллари раамзий ҳаракатлар, имо-ишоралар, чарху айланишлар билан ижро этилувчи мумтоз рақслар, иккинчиси - халқ орасида аксар маросимлар билан боғлиқ ҳодиса ҳамда оддий қўшиқ ва яллалар билан ижро этиладиган ўйинлар, учинчиси - тасаввуф тариқатлари билан боғлиқ ҳамда мутасаввифлар орасида уюштириладиган зикру самўдир. “Муножот”, “Қари наво” рақслари шу даврда зикру самўдан ажралиб, соф томошага айланган рақслардир, деб айтиш мумкин.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида нафақат тарихий шахслар, тарихий жой номлари ва тасвирлари, балки рақс санъати, раққослар хусусида ҳам баъзи қайдлар, маълумотларга дуч келамиз. Хуросон ва Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонган Тохир Чакка, Мақсудали деган раққослар Бобур Мирзо хизматида ҳам бўлишган, деб ўйлаймиз. Чунончи, Бобур 1528-йилда Ганг дарёси соҳилида бир суҳбат ҳақида ушбу асарда хабар бераркан, “йигитлар бир пора шўхлуқ қилдилар, бир пора куштигирлик қилдилар”, - деб ёзади. Жангчи йигитлар томонидан бажарилган “бир пора шўхлуқ” - бу шубҳасиз ҳаракатдаги ўйинлардир.

Муқаллид ва масҳараларнинг ўзлари ҳам ўйин ва рақсларни қанда қилишмаган. Бўрттириб, кулгили шаклларда ижро этиладиган ҳазил ва ҳажв йўналишидаги ўйинлар уларнинг ижросида яхши чиққан. Бобур ва унинг қуршови бундай ўйинлардан ҳам баҳраманд бўлиб туришган. Аммо Бобур раққослардан бир кишинигина алоҳида ажратиб таърифлайди, у ҳам бўлса Саййид Бадрдир. Бобур уни Хусайн Бойқаро умароси қаторига қўшиб, раққослик маҳоратига юксак баҳо беради. “Яна Саййид Бадр эди, - деб ёзади

Бобур, - бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот киши эди. Ажаб соҳиб усул киши эди. Голиб хўб рақс қилур эди. Ғайри мукаррар рақс қилур эди. Голибо ул рақс анинг ихтироидур. Ҳамиша Мирзо (Ҳусайн Бойқаро) мулозаматида бўлур эди. Доимо ҳарифи шароб ва ҳамсухбати эди”²⁰.

Бобур Мирзо Саййид Бадр рақсини 1506-йил кеч кузида Ҳиротда меҳмон бўлиб турганида бир неча бор кўриб, бу хулосага келган. Чунончи, Саййид Бадр Музаффар Мирзо зиёфатларидан бирида қатнашиб, рақсга тушган экан. “Кайфият булғонда Мир Бадр рақс қилди, хўб рақс қилди. Голибо у навъ рақс Мир Бадрнинг ихтироидур”, - деб ёзади Бобур.

Мухтасар таъриф тавсифдан Саййид Бадрга оид баъзи хусусиятларни илғаб олиш мумкин. Аввало шуки, Саййид Бадр аслзода, саиду мирлардан, Ҳусайн Бойқаро амирларидан биридир. Афтидан, Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг, у Музаффар Мирзо хизматига ўтган.

Рақс унинг кўнгил хушидир, давлат ишларидан бўш вақтларида шуғулланган. Якка ўзи ўйнаган. Бобур Саййид Бадрни чуқур ҳурмат билан тилга олади. Уни соҳиб усул, яъни юксак маҳоратли раққос сифатида баҳолайди. Унинг рақслари ўша даврда расм бўлган рақсларга сира ўхшамас экан. Бобурнинг “ғайри мукаррар рақс қилур эди” лукмаси шунга ишора.

Чунки Саййид Бадр ижро этган рақслар батамом унинг ўз ихтироси экан. Бобур Мирзо иккала ўринда ҳам бу жиҳатни алоҳида таъкидлайди. Бинобарин, Саййид Бадр рақс санъатининг наинки моҳир ижрочи, балки юксак иқтидорли ижодкор, рақсшуносдир.

Бобур Мирзо Ҳиротда Юсуф Али кўкалтош рақсидан ҳам баҳраманд бўлган. “Соҳиб усул киши эди, яхши рақс қилди”, - дейди Бобур унинг ҳақида. Бу ўринда ҳам Бобур Мирзо ўз кўзи билан кўрган, кўп ҳолларда ўз амри билан ташкил қилинган томошалар ҳақида хабар беради. Ижрочилардан энг машҳурларини, саройга яқинларини тилга олади. Бундай санъаткорлар

²⁰ Бобур З.М. Бобурнома.

аксар аслзодалар тоифасидан бўлишган. Замонасининг энг машхур томошасозлари Сайид Ғиёсиддин билан Сайид Бадр шу жумладандир. Улар нукул шоҳлар, шаҳзодалар, беклар, амирзодаларга хизмат қилишган.²¹

Тарихий манбалардан кўриниб турибдики, ўзбек рақс санъати жуда қадимий бўлиб ўзига хос ривожланиш йўли ва аниқ ритм (усул) га эга бўлган. Рақс ҳаракатлари ритм ўзгариши асосида тизимга солинган. Куй ижросида дойра (урма чолғу)га куйни ижро этувчи чолғулар жўр бўлган пайтда ҳам рақс ижрочилари фақат усул (ритм) ларнинг сони ва таркибига кўра ўз ҳаракатларини режалаштиради.

Таркибида 280 та усулни жамлаган “Қатта ўйин” миллий рақс санъатининг мукамал, синалган машқлари вазифасини бажарган. “Қатта ўйин” таркибига кирган дойра усуллари номланиши рақс ҳаракатларининг номланишига мос келади. “Қатта ўйин” одатда рез билан бошланади ва бу “дилдир” деб аталади. “Титратма” усулидаги рақс ҳаракатларида раққоснинг барча мушаклари ўйнаб, улардаги қоннинг юриши кўрсатилгандек ҳаракат қилинади.

“Қўш қарс” усулида иккита кучли зарб бошқа зарблардан ажралиб туриши эвазига ушбу усуллар давомида энг мардонавор, бошқаларни жалб этадиган кескин ҳаракатлар амалга оширилиши лозим.

“Йўрға” усули ҳудди ҳайвонларнинг йўрғалаб юришига монанд ҳаракатлар бажарилишини таъминласа, “Сарбози” – яъни жангчи усулида важоҳат акс эттирилади. Дойрада чалинадиган “якка чарх” ва “ду чарх” раққоснинг неча марта айланишини билдиради. “Ҳаққоний”, “Ором”, “Жилвони”, “Сохта” усуллари ўз номларига монанд ҳаракатларни талаб этади. “Садр” кўмиш маросимини акс эттирадиган бўлса, “Қора занг” – қора қўнғироқ, “Дучава” – иккита таёқ билан ўйналишини англатади. “Яллама”, “Қайтарма”, “Дупоя”, “Оқсатма” сингари қатор усуллар давомида ҳам ўзига хос рақс ҳаракатлари бажарилади.

²¹ М.Қодиров “Темур ва темурийлар даврида томоша сан’атлари” 1997. 192-193 бет

XIX аср охирларида Туркистон ўлкасида истиқомат қиладиган аҳоли ўртасида раққос “Бачча” ва ”Жувонларни” тўй ва базмларга чақириш урф бўлган. Бу ҳақида атоқли ўзбек драматурги Нусратулла Қудратилла Хожи Муин Шукрулло ўзининг “Тўй” номли драмасида “Агар тўйга раққос жувон чақирилмаса, маҳалла йигитлари тўполон қилишини, шу сабабли ҳар бир тўйда раққос жувон бўлиши керак бўлганини” ёзиб ўтган. Яна шу драмада ўша даврда Тошкент, Қўқон, Фарғонада энг яхши раққос йигитлар бўлганлиги ҳақида айтиб ўтилган. Бундан ташқари шу даврда Туркистон ўлкасига келиб яшаб ижод қилган машҳур рус рассоми А.Николаев (ўзбеклар уни Уста Мўмин деб аташган) ўзи чизган расмларида ўша давр тўй ва базмларида аёл қиёфасида раққос ижро этган раққос йигитларни кўриб уларни нозик қиёфада тасвирлаган.

Бу билан шу нарсани англаш мумкинки, ўзбек йигитлар раққи хамиша мард жасоратли халқнинг кучини, уларнинг эркакларга хос мардона хислатларини кўрсата оладиган жиҳатларини очиб бермаган.. Шу даврда шижоатли йигитлар раққи кам ижро этилганини Тамарахоним эсдаликларида мавжуд. У сайилда Уста Олим Комиловнинг маҳорат билан доира чалаётганини ва унинг ёнида бир йигит шижоатли, ҳақиқий эркакларга хос раққос тушганини, бундай ўтли раққосни ҳали ҳеч ерда кўрмаганини айтиб ўтади.

Бунга мисол тариқасида 1877-1955 йилларда яшаб ижод қилган Урганчлик Қурбонбой шарлама “Мен 10 ёшимдан бошлаб ўғлон бола сифатида созандалар билан тўй ва томошаларга чиқиб юрардим. Раққосга чиқишимдан олдин аёлларнинг шойи кўйлак лозимини маҳсисини кийиб, ясама сочимни орқамга ташлаб қиз қиёфасида даврага чиқардим. Даврадагилар мени қиз бола деб ўйлаб, ўйин охирида яна шу қиз ўйнасин деб қайта-қайта талаб қилганлар. “Ўғлон бола” раққосини қиз қиёфасида чиқиб

ўйнаш устозлардан бизга мерос бўлиб қолган”²² деб ўз эсдаликларида хикоя қилган.

Бу даврда рақс санъатини асраш, бойитишда устоз шогирдлик анъанаси бениҳоя катта роль ўйнаган. Санъатга ихлоси бор қобилиятли ўсмирлар маҳоратли санъаткорларга шогирд тушганлар. Устоз билан шогирднинг муносабатини тартибга солувчи ёзилмаган қоидалар мавжуд бўлган. Унга кўра яхши раққос бўлишни хоҳлаган шогирд устози буюрган ишни бажариши ва бажарган ишига ҳақ талаб қилмаслиги, истедодини пулга айирбош қилмаслиги, устозлар олдида рухсатсиз рақс тушиши, уларнинг олдидан кесиб ўтмаслиги, халқни ҳамма вақт ҳурмат қилиши талаб этилган. Устоздан фотиҳа олмагунча шогирд санъаткор деб ҳисобланмаган, шогирдларнинг фотиҳа олмасдан туриб даврага чиқиши катта айб саналган.

Қадимий рақс санъат турлари ҳозирги кунгача ана шундай устоз-шогирд анъанаси орқали кўз қорачиғидек асралиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу борада эркак раққосларнинг ҳиссаси жуда каттадир.

Ўзбек халқ рақсида учта жанр мавжуд бўлиб, улар мардонавор-қаҳрамонлик, лирик-драматик, юмористик-комик жанрлардир. Бу жанр турлари ҳар бир рақс мактабида алоҳидалик касб этади.

Фарғона водийсида эркаклар томонидан ижро этиладиган рақсларнинг айримларида бургутларга тақлид қилган ҳолни кўриш мумкин: қўллар кенг ёзилиб, юқорига кўтарилиб, пастга туширилади, қўл учлари ҳаракати билан ҳавога учгандек бўлади; беданага тақлид қилганда оёқларнинг учида майда қадамлар билан юрилади, қўллар тана бўйлаб ёнга туширилган бўлади ва қўл учлари силкиниб туради.

Фарғона вилоятида эркаклар ва аёллар рақс ижро этиш учун махсус либослар тайёрламаганлар ва кишилар ўзларининг кундалик кийимларида рақсга тушганлар. Аёллар узун (тўпиғигача), тўғри тикилган, енг бичими

²²Avdeyeva L. “O’zbek milliy raqsi tarixidan” 99 bet

яхлит, кўлидан узунроқ тушиб турадиган куйлак кийишган. Қизлар куйлагининг ёқаси очик бўлса, аёллар тик ёқали ва ёқаси тоқига уланиб кетадиган куйлак кийганлар. Куйлак ёқаси тугмали ёки мунчоқ билан безатилган бўлиб, ёқа ва тоқи жимжимадор ҳам бўлиши мумкин. Куйлак остидан ёқаси очик куйлак ва лозим кийилган. Лозим икки бўлак матодан тикилган бўлиб, юқори қисми кенгроқ, пасти торроқ, белига тасма ўтказилган шаклда тикилган.

Наманганда эркаклар “Катта ўйин”даги мураккаб ритмик усуллардан фойдаланганлар. Оёққа кийилган этиклар махсус ишланган металл пошналар билан зарб қилиниб, ўзига хос товушлар пайдо қилганлар. Бундай эркаклар рақси Косонсой туманига хос бўлиб, рақсда қўллар тинимсиз шиқирлаб туриб, икки ёки уч марта ҳолатини ўзгартирган; икки ёнга, юқорига, олдинга узатилган, асосий ҳаракатлар эса оёқлар зиммасига тушган. Фақат Фарғонача рақсга эмас, балки Ўзбекистоннинг бошқа туманларига хос бўлмаган баланд сакраш билан рақс фразали бир оёқда тўхташ билан яқунланган. Бир оёқ тиззадан букилиб, ижрочи ердаги оёғида кескин ярим айлана ҳаракатни бажарган.

Хоразмда қадим-қадимдан кенг тарқалган рақслардан бири “Чорлоқ” бўлган. Бу рақсда томошабинлар даврасининг марказига чўғирма (чоғирма) деб аталадиган бош кийими ташланади, кейин раққослардан бири ўртага сакраб чиқиб, гавдасини қоқ белидан олдинга қараб эгиб, тиззаларини ҳам сал буккан ҳолда, қўлларини орқага чўзиб, ўзига хос хоразмча юришни бошлайди: оёқларини баланд кўтариб қадам босади ва қўл панжаларини ёзганча, титратиб боради. Чорлоқнинг мақсади – балиқ ролидаги қалпоқни тумшуғи билан илиб олишдан иборат. Шу боис ов ҳаракатлари орасида раққос бирдан қаддини ростлаб, қўлларини олдинга узатиб, билагидан чалиштириб, балиқнинг думига ўхшатади, кейин яна чорлоққа айланади. Бирдан кутилмаганда раққос тиз чўкиб, энгашиб, қалпоқни тишлари билан тутиб олади, яъни Амударё сувларидан балиқ тутиб олгандек бўлади. Бу

ўйин шўхчан, жонли, қувноқ бўлиб, бир раққоснинг ўрнига иккинчиси, кейин учинчиси ўйинни давом эттириб кетаверади, шундай қилиб анча узоқ вақт давом этади. Хоразмда бундай рақс “Байда” ёки “ю-пу-пу” ҳам деб аталади.

Бухоро худудида ижро этиладиган рақсларда раққос лайлак каби гоҳ у, гоҳ бу тиззасини юқори кўтариб, секин қадам ташлайди, бўйни мағрур кўтарилган, кўзлари ярим юмуқ бўлади. Бухороча рақсларнинг аниқ ишлов берилган, моҳирона, мураккаб шакллари халқ лирик рақсларида ўзига хос равишда акс этган: қадамлар ўша-ўша бўлса ҳам, қўллар мураккаб ҳаракатнинг бир ёки икки элементини такрорлаган.

Қарши чўлларида ижро этилган рақсларда тез-тез қадам ташлаб, қўлларни бош узра кўтариб, тирсаклари айлана ҳосил қилган ҳолда қўл учлари бирлаштирилганда кийик образи ҳосил бўлган. Чўл худудларида қўлларини олдинда кўтариб ўйналадиган “Қумпишак” ўйини ҳам кенг тарқалган. Раққос тиз чўкиб, тиззаларини бирлаштириб, қўлларининг тирсакдан юқори қисмини белига жипслаштириб, билакларини олдинга чўзган ҳолда қўл учларини пастга қаратиб, бутун танаси билан титраб, аланглаб, сакраб-сакраб ҳаракат қилади. Мағрур бургут рақсида раққос оёқлари учига сал кўтарилиб, тиззаларини сал букиб, қўлларини кенг ёзганча силкитиб қадам босади. Ёиртқич қирғийлар ҳам худди бургут каби тасвирланади, фақат бунда раққос бутун тана мускулларини қаттиқ сиқиб, тез юради ва югуради, қошлари чимирилиб, кўзлари ёвуз боқади.

Тақлидий ва тақлидий-маиший рақслар халқ орасида кўпинча фақат чилдирма²³ –доира²⁴ жўрлигида, чўл жойларда қамишдан ясалган най

²³Чилдирма ҳам юзига тери қопланган ёғоч халқа бўлиб, фақат бу халқа ва терини тайёрлашда ижодий энергия сарфланмаган, шунинг учун чилдирмадан доимо бир хил, боғлиқ товушлар чиқаради. Халқ орасида айнан шу енг оддий асбобдан фойдаланишган.

²⁴Доира ёғочдан ясалган халқа бўлиб, унинг ўртаси от териси билан қопланган бўлади, атрофига ичкари тарафдан гир айлана темир халқачалар ҳар бир доира учун алоҳида ясаиб, ўзига хос жаранг берадиган қилинади. Тери ҳам узоқ ишланиб, ҳар бир уста терига ишлов беришнинг ўзига хос сири бўлган. Тери халқага яқин жойдан бир овоз чиқарса, доиранинг марказидан бошқача овоз чиқаради, шунинг учун терини халқанинг юзига тортиш ҳам ўзига хос мураккаб жараёндир. Доиранинг овози яхши чиқиши учун уни чалишдан олдин яхшилаб қиздириб олинган.

жўрлигида ва бошқа ҳудудларда эса лойдан ясаиб, тоғора ва бошқа идишлар билан бирга оловда пишириб олинган оддий найчалар жўрлигида ижро этилган. Жанубда бу асбобларни хушпўлак, шимолда эса хуштак деб атайдилар. Баъзи туманларда хушпўлаклар турли баландликдаги ва турли тембрли овозларни пайдо қилувчи бутун бошли оркестрни ташкил қилиши мумкин.

Сурхондарё рақслари ўзига хос, ўзига мос кўринишга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Қўл рақслари гуруҳини Бойсунда “Уфори кифт” деб аташади. Бу рақсларни ижро этаётганда раққослар қўлларини енгил мушт тугиб, кўрсатгич бармоғини ёки кўрсатгич ва ўрта бармоғини тўғри тутадилар, турли ҳаракатлар қилаётганда қўллар худди бир нарсага ишора қилаётгандек бўлади. Баъзан раққос бир ҳолатда тўхтаб қолади ва танасининг юқори қисми, айниқса, бармоқлари билан ишора қилишда давом этади. Кейин у қўлларини кўкрагида чалиштиради ва бошини икки томонга тебратиб турган ҳолда бармоқларини кўтариб туширишда давом этади.

“Оёқ рақс”лари фақат қўллар банд бўладиган рақслар гуруҳидагина мавжуд эмас. Қўллар бўш бўлиши ҳам мумкин, лекин қўл ҳаракатлари ифодасиз, ҳатто баъзан қўллар беихтиёр кўтарилиб-тушиб тургандек туюлади, чунки бутун эътибор тананинг пастки қисмига қаратилган бўлади. Ушбу рақсларда оёқлар тос ва сон бўғимлари билан бирга ҳаракат қилади. Оёқлар букилган ҳолатда сакрашлар, оёқларни галма-галдан юқорига ташлаш билан алмашиб туради, бунда юқорига кўтарилган оёқ учлари ердаги оёқнинг тиззасига етади. Худди шу ҳолатда, фақат ердаги оёқ тиззадан букилади, кейин сакраб-сакраб, оёқлар галма-галдан олдинга ташлаб турилади. Кейин раққос оёқларини бирлаштирган ҳолда жойида сакраб туради.

Бойсуннинг “Тойбози” рақсларида тоғлик йигит – чидамли, чакқон овчи, чўпоннинг барча чайир мушаклари ҳаракатда бўлади.

Бойсунликлар юқорида зикр этилган рақснинг яна бир тури – “Пойи машқ”ни ҳам тилга оладилар. Бу гуруҳ рақсларда раққос қаддини кескин тиклайди, елкаларини пастроқ туширади, қўллар эса ўткир бурчак ҳосил қилади, билаклар юқорига кўтарилиб, кафтлар олдинга қараб туради, тиззалар икки томонга тўлиқ очилиб, раққос анча паст тушади; унинг танаси ясси текислик устига узала тушиб олгандек бўлади. Сўнгра ҳеч қандай ҳаракатларсиз бир жойда “Бутун тана мушаклари” рақси бошланади. Бунда фақат мушаклар ишлайди; бўйин поғоналари ҳаракатга келади, қошлар учирилади, елкалар эса билинар-билинемас титрайди, қўл мушаклари титраб, товланиб туради, қўл учлари акс садо каби шу титроқни такрорлайди. Кейин мушаклар титроғи бутун танага – кўкрак, қорин ва оёқларга ҳам ўтади.

Қадимда Бойсун тоғи этакларидаги қишлоқларда “Тоғ қоплони” номли рақс мавжуд бўлган: унда раққос гўё “сақрашга тайёрланиб”, ярим ўтирган ҳолатда бутун мушакларини “йиғиштириб”, кейин бирданига олдинга сақрайди. Ушбу ҳудудда “Айиқ ўйини” ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда бу рақслар унутилиб кетган.

Қашқадарё ва Сурхондарёнинг дашт ерларидаги халқнинг ҳозирги замонгача етиб келган қадимий рақсларида ҳаракатлар турфа хил эмас. Бутун рақс икки томонга узатилган қўллар, тананинг “ясси” ҳолати, титраб турган мушаклар, қўллар ҳолатининг кескин ўзгариб туришидан иборат. Бироқ бу ҳаракатларда жуда кўп қувват мужассамлашганлиги туфайли, тана мушакларига беркинган, жиловланган куч тимсоли вужудга келади. “Даштликлар” рақсларида қадимий ўйинлар кучи, усули ҳали ҳам яшаб келмоқда.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ РАҚСЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

2.1. Нарзиддин Шерматов ижодий фаолияти ўзига хос хусусиятлари

Тарихий манбалардан маълумки, ўзбек рақс санъати турли-туман жанр ва шакллардан иборат, ҳамда уларнинг ижросида ижрочидан нафақт истеъдод, балки профессионал усталикни ҳам талаб қилган. Қадимдан санъатнинг бирор турини ўрганишда йиллаб ҳаракат қилинар, жуда кўп вақт сарф қилинар, мустақил фаолият юритиш учун энг кучли номояндалар олдида имтиҳондан ўтиши керак эди.

XX асрга келиб йиллар давомида шаклланиб келган эркаклар рақси янада сайқал топа бошлади. Бунда ўзбек рақс санъатининг бой хазинаси сирларини ўзлаштирган Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Исохор Оқилов, Учқун Ғаниевларнинг хизмати каттадир. Ушбу санъаткорлар қаторида Нарзиддин Шерматовнинг номини тилга олиш мумкин.

Ушбу битирув малакавий иш доирасида ўзбек эркаклар рақсининг моҳир ижрочиси Нарзиддин Шерматовга бир неча саволлар билан муурожаат этдик:

– Болалик йилларингизни қандай хотирлайсиз?

– Мен 1955 йил 2 февралда Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида оддий деҳқон оиласида туғилганман. Оиламизда 11 кишидан иборат бўлиб, 9 фарзанд: 5 ўғил ва 4 қиз ҳамда ота-онам билан яшар эдик. 5 ўғилнинг энг кичиги мен эдим. Болаликда жуда кўп нарсаларни орзу қилардим.

– Рақс оламига кириб келишингизга нима туртки бўлди?

– Болалигимда радио орқали берилаётган муסיқаларни эшитиб, баъзида тўйларда ўзимча рақс тушиб юрардим. Мактабимизда рақс тўғараги бўлиб,

Сора исмли ўқитувчимиз шу тўғаракка раҳбарлик қилар ва болаларга рақслар ўргатарди. Тўғарак аъзолари байрамларда, турли тадбирларда рақслар ижро этишарди.

–Тошкентдаги рақс мактабига келишингизга ким сабабчи бўлган?

–Азим шаҳар Тошкентда қайсидир институтда ўқиётган ва бизнинг мактабимизга амалиёт ўташ учун келган Ҳалима исмли қиздан Тошкентда рақс сирларини мукаммал ўргатадиган рақси мактаби борлигини, агар у ердаги имтиҳонлардан яхши ўтса, ўқишга олиши ва ётоқ жой ҳам бериши мумкинлиги ҳақида эшитиб қолдим. 13 ёшларда бўлсам керак, Тошкентдаги рақс мактабида ўқиш иштиёқи туғилди. Шундай қилиб ўз билганимча тайёрлана бошладим, Ҳалима опадан андижонча рақсни тўлиқ ўрганиб олдим.

Нарзиддин Шерматов рақс мактабига ўқишга кириш учун Тошкентга келади. У 1968 йил ўзи орзу қилган рақс мактабида ўқишни бошлади, мактабда барча фанларда сабоқ олди. Нарзиддин кунт билан ўзбек тилини мукаммал ўрганди, лекин мактабда дарслар асосан рус тилида олиб бориладди.

Нарзиддин халқ рақслари бўлимига ўқишга кирган эди. У секин –аста мактаб муҳитига кўника бошлади, ёнидаги рус тилини яхши биладиган болалардан рус тилини ўрганди. Ўша даврларда мактаб ўқувчиларига ҳам стипендия берилар эди. У биринчи олган стипендиясининг бир сўмини ўзига олиб қолади, қолган беш сўмини онасига олиб бориб беради.

Нарзиддин Шерматов биринчи марта катта сахнага 1971-йилда чиқали: концертда жамоавий “Қувноқ болалик” рақсида иштирок этади. Бу рақс унинг илк бор катта сахнага чиқиши билан бир қаторда, ҳаётда ўз йўлини топишига ҳам сабабчи бўлган. Зеро, шу рақс ижросидан сўнг “Шодлик” ансамблининг балетмейстри Қ.Мўминов Нарзиддин Шерматовга ушбу ансамблда амалиёт ўташга таклиф қилади.

“Шодлик” ансамбли Ўзбекистон филармонияси қошида фаолият олиб борар эди. Филармониянинг бош балетмейстри Ўзбекистон халқ артисти Исохор Оқилов бўлиб, амалиётчи йигитлар унга маъқул тушди. 1971 йил Тожикистонга уюштирилган гастролда Нарзиддин Шерматов ҳам иштирок этди.

Ёш раққос Тожикистондаги гастролда барча оммавий рақсларда иштирок этди, аммо у сахнадан кўрқар, баъзи ҳаракатларни ҳали мукамал ўрганмагани сабабли бажаришдан чўчир эди. Шу сабабли, Қ.Мўминов уни битта “Тантана” жамоавий рақсида чиқарди.

Маҳоратли раққоса ва балетмейстер Розия Каримова Нарзиддин Шерматов учун “Пичоқ” рақсини сахналаштирди, Мукаррама Турғунбоева ҳам бу ишда уларга кўмак берди.

1972 йилда Шокир Аҳмедов Нарзиддин Шерматовни “Йигитлар” номли жамоавий рақсига киритди ва ушбу рақс ёш санъаткорни бутун республикага танитди.

Нарзиддин Шерматов 1972 йил рақс мактабини муваффақиятли тугатди ва “Шодлик” ансамблига ишга қабул қилинди. Машҳур санъаткорлар орасида юриш ёш ижрочи учун жуда катта бахт эди. Ансамблнинг гастроллари доимо бир - бирига уланиб кетарди, шу гастролларда Нарзиддин Шерматов тинимсиз рақс тушиб, аста-секин маҳоратини ошириб борди. Исохор Оқилов энди жамоавий рақсларда уни сахна олдига чиқарадиган, ўртада ижро этиладиган якка рақсларни ҳам унга берадиган бўлди.

Мохир раққос Нарзиддин Шерматов ўша даврларни шундай эслайди: “Истеъдодли раққос И.Оқиловнинг ишончига кириш осон иш эмасди. Аммо И.Оқилов туғма истеъдоди бор, ҳаракатчан инсонларни ҳурмат қиларди, у ким бўлишидан қатъий назар. Менга омад кулиб боққанди, чунки И.Оқилов кўпроқ мен билан ишлай бошлади. Бироқ менда яшаш учун бошпана йўқ, олдинлари мактаб ётоқхонасида турган

бўлсам, энди кўчада қолиб кетдим. Мени Тошкент шаҳрида бирор-бир кариндошим йўқ эди, шу сабабдан ҳам ёзи билан поезд вокзалида, аэропортда ва ансамбль залида ётиб юрдим. Касбдошларим менга жуда раҳми келар ва кўпинча ишдан сўнг ўз уйларига олиб кетишарди. Квартирада туриш учун менда етарлича маблағ бўлмасди, топган пулим учма-уч овқатимга етар, баъзан оч ҳам қолиб кетардим. Балки бу нарсаларни айтиш яхшимасдир, лекин бир раққоснинг ҳаёти мана шундай қийинчиликлардан иборат бўлган. Бу вақтлар 1972 йилинг охири 1973 йилнинг бошларига тўғри келади. Мени шу кезларда тунаш учун Тошкентда учта бошпанам бўларди. Бири энг шовқин сурони кўп жой бўлган поезд вокзали, иккинчиси аэропорт ва ниҳоят, менга ёқадиган учинчи жой: ансамбль зали бўларди. Залда ҳеч ким қолмагач, сахнанинг катта пардаси олдига стулларни кароватга ўхшатиб терардим, зилдай оғир парданинг ярмини тагимга солиб, ярмини устимга ёпиб ухлардим. Бу уйсиз инсон учун энг яхши ва қулай жой эди. Баъзи вақтларда шу оромбахш жойни ҳам менга кўп кўришиб, ишхонадан чиқариб юборишарди. Гўё мен ансамбл залида бундай яшашим билан машҳур рус адиби А.П.Чеховнинг театр сахнасида яшайдиган уйи йўқ, бечора суфлёр қаҳрамонига ўхшардим. Шу тариха кунлар кетидан - кунлар ўтар, мен бўлса юқоридаги бошпаналарда яшаган ҳолда ансамблда ишлардим. Ансамблда менинг ижодий фаолиятим яхши эди, негаки И.Оқилов билан биргаликда Қ.Мўминов ҳам менга рақслар ўргата бошлади. 1973 йилда Қ.Мўминов “Андижон полка” рақсини бир ўзимга сахналаштирди, бу рақс бир вақтлар ўзимизнинг қишлоқ мактабида ўрганган “Андижонча” рақсдан мутлақо фарқ қиларди. Уни илк бор узоқ бир қишлоққа уюштрилган гастролда ижро этгандим. Шунда мен рақс тушарканман, кўз олдимни қандайдир парда қоплагандек бўлди, мен фақат мусиқани эшитаману, аммо ҳеч кимни кўрмайман. Ўзимни мусиқага мос тарзда ҳаракат қилаётганим қандайдир кучли завқ бағишлар, бу рақсдан роҳат

олардим. Шу рақсдан сўнг мен тушундимки, якка рақс инсон дардини куйлай оларкан, раққоснинг қалбидаги бор муҳаббати ҳаракатлар орқали жонланаркан. Мен олдин жамоавий рақсларда кўзим доимо ёнимдаги раққосда бўларди, чунки ҳаракатларимиз бир хил бўлиши лозим эди. Бу вақтда инсон диққати бошқа томонга қаратилган бўладию, аммо ички туйғулар жонланмасдан қолаверади. Шу тариқа мен бирин-кетин якка ҳолда рақслар ижро эта бошладим. Орадан кўп вақт ўтмасдан Қ.Мўминов менга “Чўпон” рақсини ҳам ўргатди. Бу рақс “Андижон полькаси” га қараганда қизиқроқ эди. Негаки, “Андижон полькаси” ни ҳамма ижро этар, аммо “Чўпон” рақсини камдан-кам одам ўйнай оларди. Шу сабабдан ҳам бу рақснинг томошабинлари кўп эди. “Чўпон” рақсининг биринчи ижросиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Ғаниев бўлган. Мен бу раққоснинг ижросини кўрмаганману, аммо ёши улуг раққосларнинг айтишича Учқун акадек ҳали ҳеч ким бу рақсни маромига етказиб ўйнай олмаган экан”²⁵.

Нарзиддин Шерматов Исоҳор Оқиловнинг маслаҳатига кўра 1973 йилда “Лаган” рақсини ўрганди. Ўша жарённи санъаткор шундай хотирлайди: “Исоҳор Оқилов сабаб бўлдию, аста-секин ёлғиз ўзим “Лаган” рақсини ўргана бошладим. Бу пайтларда ансамблда деярли барча “Лаган” рақсини биларди, шулар ичидан мен кўпроқ Турсин Ғиёсов ижросини кўриб юрардим. Негаки, Турсин ака бошқаларга қараганда “Лаган” рақсини чиройли ўйнарди. Ишхонадан ҳамма кетгач, якка ўзим билганимча қўлимга ёғочдан ясалган лаганни олиб шуғулланардим.

Иш вақтлари Турсун ака келиб менга оз-моз ўргатар, хатоларимни тўғрилаб кетарди. Ансамблдаги бошқа раққослар ҳам билганларича менга ўргатишди, айниқса доирачи Дилмурод Исломов кўп рақс ҳаракатларимни ритмга солиб берганди. Шундай қилиб, рақсни батафсил ўргандим.

²⁵ Shermatov N. G'ofurov N. Raqs. Uslubiy qo'llanma.2017 y. B.30.

Мен “Лаган” ракси билан дунёнинг жуда кўп жойларини кездим ва анчагина мухлислар орттирдим. Ҳар доим бу ракс томошабинларни олқишига сазовар бўлар ҳамда уларни хайрон қолдирарди. Японияга гастролга борганимизда мен шу раксни уч-тўрт жойда ижро этдим ва сўнгги концертда раксни ўйнаб, сахна ортига ўтсам, иккита япон миллатига мансуб томошабинлар қўлида катта бир ўралган нарса билан мени кутиб туришган экан. Таржимон орқали улар билан суҳбатлашдим, улар мени учта шаҳарда кўйган концертларимизда кўришган ва шундан бери кузатиб келишаётган экан.

Келган мухлислар бошимни, елкаларимни пайпаслаб кўришди, нимагаки, лаганни тортиб турадиган магнит йўқми, деган мақсадда. Бунга ишонч ҳосил қилиши учун шу жойнинг ўзида лаганни бошимга кўйдиму чилпирак бўлиб айланиб аввал белга туширдим, сўнг яна бошимга чиқардим, бу ҳолни кўриб улар ростдан ҳам магнит йўқлигига ишонч ҳосил қилишди ҳамда ўзлари билан олиб келган қоғозга ўралган катта нарсани қўлимга тутишдию “бу биздан сизга эсдалик. Бу нарса япон халқининг энг ноёб ва миллий гўзаллигини ўзида акс этган нарса. Фақат уйга борганда очинг, биз уни яхши ўраганмиз, синмаслиги учун” деб берди. Улар кетаётиб яна бир бор менинг лаганимни қўлларида кўтариб кўришдию, бош чайқаб кўйишди. Мен уйга келганимдан сўнг совғани очдим ва унда соф чиннидан ишланган кўғирчоқ, гўзал япон аёлини кўрдим. Бу эсдалик ҳануз хонамда турибди”²⁶.

1975-1977 йилларда Нарзиддин Шерматов ҳарбий бўлимда йигитлик бурчини адо этди. У ҳарбий бўлимда ташкил этилган ва ажойиб санъаткор Икромжон Бўронов раҳбарлик қилаётган ансамблда рақслари билан байрам тадбирларида иштирок этди. 1978 йилга келиб Нарзиддин Шерматов мохир раққос сифатида танилган эди.

²⁶ Shermatov N. G'ofurov N. Raqs. Uslubiy qo'llanma. 2017 y. B.31.

Раққоснинг санъатда эришган ютуқларини Мукаррама Турғунбоева ҳам эътироф этиб, унга “Баҳор” ансамбли билан ҳамкорлик қилишни таклиф этган эди.

1978-1979 йилларда “Марҳабо талантлар” телефестивали ўтказилиб, фестивалда иштирок этиш учун келган андижонлик хаваскор йигитлар “Дилхирож” рақсини ижро этадилар. Ушбу рақсни кўрган Н.Шерматов жуда хайратланди ҳамда рақсни ўрганишга киришди. У “Дилхирож” рақсини маромига етказиб ижро этган санъаткор ҳисобланади. Санъаткор ижро этган рақсларнинг ичида энг кўп куч талаб қиладигани шу рақс бўлган, чунки бу рақсни юзаки ижро этишнинг сира иложи йўқ эди. Фақат дилдан, қалбдан чиқсагина таъсирли бўларди. Шунинг учун ҳам “Дилхирож”нинг маъноси “Ёнган юракнинг кули” демакдир.

2.2. Нарзиддин Шерматовнинг устозлик фаолияти

Мустақиллик шарофати билан республикамизнинг барча вилоятларида, чекка туман ва қишлоқларда рақс ансамллари ташкил этилди. Уларнинг айримлари фольклор ансамллари бўлса, айримларида профессионал раққослар фаолият юритадилар. Ансамбллардаги раққослар сонининг камлиги бу санъат турига йигитларимизнинг эътиборсизлиги бўлиши мумкин.

Якка рақсларини ижро этишда ўзининг муайян ўрнига, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос рақсий дастхатига эга бўлган, ансамблнинг истеъдодли солисти Нарзиддин Шерматов ижоди диққатга лойиқдир. У барча оммавий рақсларидан ташқари, ўз репертуаридаги ўзбек халқининг бой анъаналарини акс эттирувчи ҳамда қардош халқлар ва чет мамлакатлар халқларига хос ранго-ранг якка рақслар билан санъат шинавандалари диққатини ром этиб келмоқда.

Нарзиддин Шерматов ижросидаги биргина “Лаган” ўйинини олайлик. Халқимиз қадимдан ижро этиб келган бу ўйинни у айрича маҳорат ва

шижоат билан ижро этади. Қўлида ош сузилган лагандан раққос ўзича бирикки тотиб кўрган бўлади. Ўз ҳатти –ҳаракатлари, имо-ишоралари билан ошнинг нақадар мазалилигини англатади, ўзбек халқига хос саҳоват, тақаллуф билан атрофдагиларни ҳам ошга тақлиф этади.

Сўнгра эпчил, олов табиат йигитларга, раққосаларга хос ҳатти-ҳаракатлар воситасида унинг барча элементларини муқаммал талқин этади. Лаганнынг эгилган ҳолда чарҳ уриш орқали куракдан бошга чиқариш, уни яна куракка тушириш жараёнини кузатиш ҳар бир тоғашбин учун ҳам завқли, ҳам ҳаяжонлидир.

Шубҳасиз, рақснинг бу элементини беҳато ижро этиш, бир вақтнинг ўзида уни музика ритмига бўйсиндириш раққосдан катта маҳорат талаб этади. Албатта, бу рақсни ўзлаштириш, ўрганиш жараёни осон кечмаган, узоқ давом этган тинимсиз изланишлар, аксарият мураккаб машқларни муқаммал бажаришга эришиш йўлидаги қунт ва сабр эвазига юзага келган. Шу сабаб “Лаган” рақси Нарзиддин Шерматов репертуаридаги унинг гавда имкониятларини, ижрочилик маҳоратини мужассамлаштирувчи ўзига хос программа рақси бўлиб қолди.

Нарзиддин Шерматовнинг репертуаридаги “Лаган”, “Дашнобод”, “Дилҳирож”, “Чўпон рақси”, “Кавказча рақс”, “Пичоқ ўйини” каби мазмун ва характер жиҳатдан хилма-хил бўлган рақслар ижрочининг маҳоратли санъаткор сифатида шаклланигандан далолат беради.

Ансамблнинг бадий раҳбари, балетмейстр Қодир Мўминов раққосни ҳам шахс, ҳам санъаткор сифатида ўзининг ижобий фазилатлари билан ажралиб туришини таъкидлаб келади. Нарзиддин Шерматов коллектив аъзоси сифатида ташкилотчи, ташаббускор бўлса, раққос сифатида тинимсиз изланади, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмайди, доимо янги марралар сари интилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ўзбек эркаклар рақсининг моҳир ижрочиси Н.Шерматов бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат ва

маданият институтининг “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедрасида талабаларга рақс санъатидан дарс бериб келмоқда. Нарзиддин Шерматов ўзининг педагогик фаолияти давомида талабаларга рақс санъатининг ўзига хос жиҳатларини ўргатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда тўй - маросимлар, турли кечалар, ёшлар қатнашадиган барча тадбирлар рақсиз ўтмайди. Яъни поэтик композиция ёки созанда куйига қараганда ёшлар орасида рақс санъати кўпроқ оммалашган. Шундай экан, санъатнинг бу турига ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишга қаратилган санъат сифатида қабул қилиш зарур.

Санъат соҳасида ҳар бир касбнинг келажагини ёш истеъдодлар белгилайди. Уларни саралаш учун албатта танловлар ўтказиш, уларнинг маҳоратига, истеъдодига қараб баҳолаш ҳамда уларнинг маҳоратини ўстиришда йўл-йўриқ кўрсатиш лозим. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедрасида фаолият юритаётган моҳир рақс санъати устаси Нарзиддин Шерматов ҳам бугунги кунда истеъдодли ёшларга рақс сирларидан сабоқ бериб келмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбек рақс санъати Ўрта Осиё худудларида яшаган халқларнинг турмуш тарзи, маросимлари, байрамлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланиб келган. Республикамиз худудларидаги қоятошлардан топилган расмлар, археологик топилмалар ҳам буни тасдиқлайди. Аجدодларимиз томонидан яратилган, бугунги кунгача сақланиб, эъзозланиб келинаётган рақс санъати намуналари келажак авлодларга асрлар оша бебаҳо мерос сифатида қолдирилмоқда.

Рақс азал-азалдан халқимиз севиб ижро этадиган оммавий санъат тури шаклида бизгача этиб келди, ҳозирда бу санъат турини асраб-авайлаш, келажак авлодга миллатимизга хос бўлган энг яхши рақс анъаналарини қолдириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Рақс санъатининг намуналари, хусусан эркаклар рақсларининг урли тадбир ва тўй-маросимларда кўриш мумкин.

Ўзбек эркаклар рақси бошқа халқлар рақсларидан қандай ҳаракатлари билан фарқланиши, кийимлари, ижро маҳорати ва шу кунда юртимизда яшаб ижод қилаётган рақс ижрочилари ҳақида маълумотлар тўплаш ҳозирги кунда муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбек эркаклар рақсининг шаклланиши, услубан бойиши ва ўзига хос бадиий хусусиятларини намоён этиш масаласини мазкур соҳада муваффақиятга эришган муайян санъаткорлар ижод йўлини кузатиш, унга баҳо бериш орқали ўрганиш муҳимдир, бу рақс санъатимиздаги услубий ранг-барангликни аниқлашга имкон беради. Қолаверса, ўзбек эркаклар рақси тарихи ва назариясини тадқиқ этишда ўз аҳамиятига эга бўлиб, бугунги кун рақсшунослигининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йил 31 майда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3022-сонли қарори қабул қилинди. Бу

қарорда Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида батафсил баён қилинган. Бундай имкониятлар миллий рақс санъати соҳасида ижод қилаётган санъаткорларга, ёш ижодкорларга улкан имкониятларни очиб берди.

Ўзбек рақсларининг усулларини ўзлаштириш, унинг анъаналарини сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш вазифасига ўз улушларини қўшиб келган устоз санъаткорлардан Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Исоҳор Оқилов, Қодир Мўминов каби санъаткорларнинг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов ҳам ўзбек рақс санъатига катта ҳисса қўшган санъаткор бўлиб, ўзбек эркаклар рақсида ўзининг бетакрор ўрни билан ажралиб туради. Бироқ ушбу мавзуда йирик илмий изланишлар олиб борилмаганини қайд этиш зарур.

Мазкур тадқиқот доирасида қуйидаги тавсиялар бериш лозим кўрилди:

– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматовнинг фаолиятини илмий ўрганиш, тарғибот этиш ва ўқув адабиётларини яратиш.

– Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматовнинг фаолиятини қўллаб – қувватлаш, санъаткор ва Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби педагог кадрлари ҳамда талабалари ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш лозим.

– Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби доирасида ўтказиладиган тадбирларда рақс ансамблларида фаолият юритаётган раққосларнинг иштирокини таъминлаш, бу тадбирларда Олий мактаб талабаларини жалб этиш.

– Профессионал эркаклар рақс ансамбллари ташкил этишга эътибор қаратиш.

– Талабаларнинг эркак раққослар ижоди билан яқиндан танишиб бориши, фаолиятини ўрганиш борасида уларга методик манбалар билан ёрдам бериш керак.

Ўзбек рақс санъати, жумладан эркаклар рақс санъати тарихи ва ривожини ўрганиш, ўзбек рақсининг уч мактаби анъаналарини, ўзига хослигини, миллий характерини сақлаш, бу борада дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур.

Мазкур вазифаларнинг муаммоларнинг ҳал этилиши миллий рақс санъати тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга ўзбек миллий рақс санъати нодир намуналарининг жаҳон халқлари маданиятига таъсирини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Ўзбекистон Республикаси фармонлари ва қарорлари

- 1.1. Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997 йил, 1 – сон, Б-26-28.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 26 март.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбеккино” давлат – акционерлик компаниясининг ташкил этилиши” ҳақидаги Қарори. 1996 йил 12 июль.
- 1.4. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3022- сонли қарори. 2017 йил 31 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж.-Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
- 2.2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -3-ж, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
- 2.3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2008 йил.
- 2.4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2017 йил.
- 2.5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2017 йил.

2.6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2017 йил.

III. Асосий адабиётлар

- 3.1. Авдеева Л.А. Ўзбек миллий рақси тарихидан. – Тошкент: “Ўзбек рақс бирлашмаси”, 2001, 284 б.
- 3.2. Рахмонов М. Ўзбек театри. Тошкент, “Фан” 1975
- 3.3. Нурилла Аббосхон. Ўзбекча рақс. – Тошкент, Ўзбектеатр ИИЧБ архиви.
- 3.4. Авдеева Л.А. Танцевальное искусство Узбекистана. Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1960.
- 3.5. Авдеева Л.А. Ўзбек миллий рақси тарихидан Тошкент, “Ўзбекрақс”. 2001.
- 3.6. Авдеева Л.А. Гули Хамраева. Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма., 1995.
- 3.7. Авдеева Л. Галия Измаилова. Тошкент, Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма., 1996.
- 3.8. Авдеева Л.А. Танец Мукаррам Тургунбаевой – Ташкент, Изд. лит.иск.им.Г.Гуляма, 1989, С.47.
- 3.9. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси – Тошкент, Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
- 3.10. Икромов Ҳ. Давр ва театр – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2009.
- 3.11.Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 2005.
- 3.12. Каримова Р. Бухарский танец - Ташкент: Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма, 1977, С.125.
- 3.13. Каримова Р. Ферганский танец - Ташкент: Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма 1973, С.224.
- 3.14. Каримова Р. Хорезмский танец - Ташкент: Изд. лит. иск. им.Г.Гуляма,

1975, С.114.

3.15. Каримова Р. Танцы Равии Атаджановой – Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 1983, С.18.

3.16.Турсунбоев С. XX аср ўзбек театр тарихи. Тошкент, “Фан ва технологиялар”, 2007.

3.17.Турсунбоев С. Ўзбек театри сарҳадлари. Тошкент, “Фан ва технологиялар”, 2010.

3.18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., “Давлат илмий нашриёти”. 2006 йил 12 том, 502 бет.

3.19. Каримова Р. Урок узбекского танца – Тошкент, Ўқитувчи нашриёти, 1987, С. 10.

3.20. Каримова Р. Ўзбек рақслари - Тошкент: Чўлпон: - 2003, 168 б.

3.21. Qodirov M. “Temur va temuriylar davrida tomosha san’atlari” 1997, 192-193 б.

3.22. Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 424 б.

3.23. Shermatov N. G’ofurov N. Raqs. Uslubiy qo’llanma. 2017 у.

IV. Қўшимча адабиётлар

4.1. Арасту. Поэтика – Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти, 2004.

4.2. Истиқлол ва миллий театр. Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти, 2002.

4.3. Меросий рақс дурдоналари. - Тошкент: Чўлпон. - 2003, 102 б.

4.4. Раҳмонов М. Ҳамза (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи) Биринчи китоб. (1914-1960 йиллар). Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.

4.5. Умаров Э., Пал И. Жанр эстетикаси – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

4.6. Турсунов Т. Саҳна ва замон. Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти, 2007.

V. Интернет сайтлари

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.kitobxon.uz>
3. <http://www.gabt.skm.uz>
4. <http://www.balletmusic.ru>
5. <http://www.belcanto.ru>
6. <http://dic.academic.ru>

ИЛОВА